Энди сизлар билан ёшлар тарбияси борасида хам озгина тўхталиб ўтмоқчи эдим. Афсуски, кўп сонли ёшларимиз жамоа жойларида муомала ва ўзини тутиш маданиятини оддий бир қоидаларига асло риоя қилмайдилар. Бундай ҳолатлар, уларни телефон орқали бақириб гаплашиши, бақириб қулишидан кўриниб туради, қолаверса хақоратли сўзларни ишлатишидан маълум бўлади. Жамоа жойларида барча тушунадиган тилда гаплашишга харакат қилишимиз лозим, чунки биз мехмондамиз, петербурглик мезбонларни ҳурмат қилишимиз зарур. Азиз муштарий, ёддан чиқармаслик керакки, ушбу петербургликлар бизга боқиб туриб, халқимизга бахо беради. Хохлардимки, хар бир менинг ватандошим ўзини намунали тутсин. Барчамиз мехмонда ўзимизни қандар тутишимиз лозимлигини, интизом қоидаларига қандай риоя қилиш лозимлигини, қандай сухбатлашиш жоизлигини англаб етамиз. Буни қайси давлатда бўлишимиздан қатъий назар, ёдда тутишимиз даркор. Бизнинг ҳалқда яхши бир одат бор: уйдан сафарга чиқишда ота-оналар ўз фарзандлари дуо қиладилар, бу холат муқаддас хисобланади. Афсуски, баъзи бир инсонлар буни умуман ёддан чиқармоқдалар. Тақдир тақазоси билан уларни олдида тўғри йўлга бошловчи нуронийларимиз йўқ.

Хар ҳил сабаблар билан ёш тақдирларини синдириб, жиноятга аралашиб қолган хамюртларимиз борлиги хам инсонга алам қилади. Балки, улар қилмишларидан пушаймондирлар, лекин барчамиз нима бўлганда хам, Россияда эканмиз, мархамат қилиб, бу ерни қонунларига бўйсунишимиз шарт.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчиманки, қайси давлатда бўлишимиздан қатъий назар, ўша давлатнинг урф-одатларига, анъаналарига нисбатан хурмат бажо келтиришимиз лозим. Бораётган давлатни тилини билишимиз, мақсадга мувофик бўлган бўлар эди.

Узимда синалган

«Етти ўлчаб бир кес»

Ассалому алайкум ҳурматли ватандошлар! Менинг исмим Ихтиёр! Ўзбекистонда туғилиб вояга етганман. 2009 йил Санкт-Петербург шаҳрига пул ишлаш мақсадида келганман. Менинг келгунимга қадар, бу шаҳарда таниш хамюртларим ишлаб истиқомат қилар эдилар. Етиб келганимдан сўнг уларни хонадонига яшаб туриш учун бордим. Уларни хонадонида жуда кўп одамлар истиқомат қилар экан. Тахминан бир ойлардан сўнг, барча иш фаолиятни олиб боришга рухсат берувчи хужжатларни олганимдан сўнг, бир қурилиш ташкилотлардан бирига оддий ишчи бўлиб ишга кирдим. Танишларим жуда кўп хона таклиф қилишди, лекин улар таклиф қилган хоналарда, одатдагидек 6-7 киши истиқомат қилар эди, менга бўлса камроқ одам яшайдиган, яъни 2-3 кишига мўлжалланган хона керак эди. Бир куни газетада арзон нархда ижарага берилаётган хона тўғрисидаги эълонни кўриб қолдим. У ерда ёзилган нарх ҳам, яшаш шароитлари хам, мени қониқтирар эди. Эълонда кўрсатиб ўтилган телефон рақамига қўнғирок қилдим. Мени офисларига таклиф қилишди,у ерда менга хонани ижарага олиш бўйича шартнома тузишни таклиф қилишди, бунда хона учун дастлабки ой тўловини тўлашим керак экан. Мен шартнома билан рус тилидаги билимим имконияти даражасида танишиб чиқдим, бунда кўп сўзларни маъносини ончалик тушунмадим. Ушбу фирма ходимлари менга уларни ташкилоти адолатли эканлиги тўғрисида ажойиб сўзларни айтишиб, мени ишонтиришди. Шундан сўнг шартномага имзо қўйиб, 7000 рубл миқдордаги дастлабки тўловни тўладим. Шундан сўнг менга айтишдики, уларни умумий рўйхатида 3 та хона бўлиб, эртаси куни чақиришга ваъда бердилар. Улар яна менга ширин сўзлар гапириб, хавотир олмасликка ишонтиришди, уларни гапидан менда ҳеч қандай гумон қолмади.

Мана уларни эртаси хам етиб келди, ундан кейин эртасини эртаси, шу тарзда бир ҳафта ўтди. Ушбу фирма ходимлари мени эсларидан чиқаришдимикин деб, қўнғирок қилдим. Телефон симини иккинчи тарафида мени базўр танишди, сўнгра буюртмалар кўплигини баҳона қилишиб, эртасига учрашишга мени яна бир бор ишонтиришди. Эртаси куни ишимдан қийинчилик билан рухсат олиб, уларни олдига бордим. У ерда яна такроран таништиришга мажбур бўлдим, шунда хам шартномани кўрсатганимдан сўнг танигандек бўлишди. Мени олдимда улар бўш хоналарни хўжайинларига қўнғироқ қила бошладилар ва менга бир қоғозда бўш хоналарни манзилларини чиқариб бердилар, берган манзилларидан бирига боришимни айтдилар ва мениу ерда уларни «Ольга» исмли ходими кутиб туриши керак эди. Кўрсатиб ўтилган манзил бўйича борсам, у ерда «Ольга» тугул, ҳеч зот йўқ. Бундан роса жахлим чиқиб кетди, э бўлди етар дедимда, шартномасини бузиб, пулимни қайтариб олишга қарор қилдим. Кейин нима бўлди, биласизми??? Тўлаган пулларимни қайтариб беришларини талаб кила бошладим. Айнан шу ерда тушуниб етдимки, бекорга мактабда рус тили дарсларидан қочган эканман. Рус тили луғати сўзларга бой, буюк қудратли тил эканлигини англаб етдим. Хаттоки, биргина вергулни ўзи бутун гапни мазмунини ўзгартириб юборар экан. Эсингиздагими??? Русларда бир мақол бор: «Казнить нельзя помиловать» узбекчага маъноси «осиш керакмас кечириш». Биргина вергул инсон тавдирини хал қилади.

Охир окибат менга пулларимни қайтариб беришмади, эшикни тагидаги қўрқчи «чиройли» муомалада мени кузатиб қўйди. Милицияга мурожаат қилмоқчи бўлганимда, у ерда менга айтишдики, менга ўхшаганлар минглаб.

Кейин тўсатдан мени қўлимга ушбу «Турон» газетаси тушиб қолди, у ерда ёзилишича, Санкт-Петербургда Узбеклар Диаспораси мавжуд бўлиб, улар ватандошларимизга ёрдам бериб, химоя қилар экан. Мен уларга мурожаат қилишга қарор қилдим. Улар мени қўзимни анчага очдилар. Меникига ўхшаган ариза билан уларга мурожаат қилаётган биринчи одам эмас эканман. У ерда фаолият юритаётган юристлар хам, мени рус тилини етарли даражада билмаслигимни айтишиб, менга қандай шартнома бўлишидан қатъий назар, авваломбор, нималарга эътибор қаратиш лозимлигини айтиб, тушунтириб бердилар. Мен рэлтор фирмаси билан имзолаган шартномада ёзилишича, ушбу фирма факаттина «маълумот-маслахат хизматини кўрсатар» экан холос.

Бундан кейин бирор бир шартнома ёки бошқа хар қандай қоғозни имзолашдан аввал, бирор бир бандини тушунмасам, албатта узбек диаспорасига мурожаат киладиган бўлдим. Сизларга хам шуни маслахат берган бўлардим.

Барча ўзимни ватандошларимга айтиб қўймокчиманки, «Етти ўлчаб - бир кесинглар»!

Хурмат билан Ихтиёр

Сизнинг ёрдамингиз керак

Одам йўқолди

Гатчина тумани бўйича ИИБ номаълум эркак шахсини ўрганмоқда, у қуйидаги манзилда: Ленинград вилояти, Гатчина тумани, Никольское қишлоғи Меньковская кўчаси 10 уйда жойлашган “П.П. Кащенко номидаги 1-сонли рухий касалхона” да жойлаштирилган. У ўзини Равшанов Равшан Равшанович деб атамоқда. Бемор рус тилида деарли гапирмайди ва рус тилини ёмон тушунади.

Таржимон хизмати ёрдамида қуйидагиларни аниқлашга муваффақ бўлинди: ёш йигит 16.10.1983 йилда Тожик ССР Ленинобод вилояти Конибодом шаҳрида таваллуд топган. Отаси-Синиг (татар), онаси-Говҳар вафот этганлар. Акаси хам ҳаётдан кўз юмган, опасининг исми Санобар, турмушга чиқган, эри-Йўлдош. Опаси ва унинг турмуш ўртоғи қаерда яшашлиги Равшанга номаълум. Йигит анча йиллар муқаддам ота-онаси билан биргаликда савзовотлар етиштириб, Конибодом шахри бозорида сотганлар. Ота-онасини вафотларидан сўнг, Равшанни Конибодом шахрида жойлашган болалар уйига жойлаштирганлар. 15 ёшга тўлгандан сўнг, унга болалар уйи маълумотнома берган. Маълумотнома олгандан сўнг, Равшан пул ишлаш учун Тошкентга келиб қолади, у ерда деярли икки йилларча ишлаб, сўнгра дўстлари билан биргаликда Қозоғистонга кетади. Бир йилларча олдин Санкт-Петербург шаҳрига келади, қурилишда ишлайди, айнан қайси қурилишда ишлаганлигини эслай олмайди. Узоқ вақт мобайнида аҳлат идишларидан озиқ-овқатлар топиб, кўчада яшаб юради. У ерда уни милиция ходимлари топиб олиб, касалхонага жойлаштирадилар. Айни вақтда у деярли ҳеч қандай гап гапирмаяпти. Маълумотномаси йўқолган.

Эркак: кўринишидан ёши 20-30 лар атрофида, бўйи 170 см., сочлари қора, кўзлари жигар ранг.

Хурматли муштарийлар, сизлардан номаълум шахснинг шахсини аниқлашда ёрдам кўрсатишларингизни сўраймиз. Барча ушбу эркак тўғрисидаги маълумотлар қуйида кўрсатиб ўтилаётган телефон рақамларига ҳабар қилинг.

Алоқалар:
8-81371-942-18 – Гатчина тумани бўйича ИИБ
8-909-578-45-00 - ЖКБ Фролова Ольга Анатольевна
(812) 313-25-02 – «Турон» газетаси таҳририяти
E-mail: TuranGazeta@yandex.ru

Гўдак ёрдамга мухтож

Ҳурматли муштарийлар, ёш гўдак-**Самиев Ахмад Шомурод** ўғли сизларнинг ёрдамингизга мухтож. Деарли тўрт йилдан буён оғир касалликдан азоб чекмоқда.

Ташҳис: атопия синдроми билан боғлиқ буйрак яллиғланиши, буйрак вазифалари сақланган ҳолда, оғир гормон ва цитостатикорезистент вирус инфекцияси герпеси (1,2,4 турлардаги).

Ахволини оғирлигини хисобга олиб, Ахмаджон стационар даъволанишга мухтож. Сизнинг ёрдамингиз зарур. Раҳмдил бўлинглар ва сизни хайрли ишингиз ўзингизга албатта қайтади.

Алоқалар:
Самиев Ахмаднинг ота-онаси:
Гулнора - 8-950-007-64-14
Шомурод - 8-904-552-62-04

Санкт-Петербург Давлат педиатрия Тиббиёт Академияси соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ўсиш бўйича федерал идораси: Санкт-Петербург ш., Литовская кўчаси, 2 уй, 194100, тел.: **(812) 295-40-31**, факс: **(812) 542-80-14.**
«Турон» газетаси: тел.: **(812) 313-25-02**, e-mail: TuranGazeta@yandex.ru

Фойдали манзиллар ва телефонлар

Бошқа шаҳарга келгандан сўнг хар доим тез мослашиб кетиш мураккаб кечади. Хар ҳил саволлар пайдо бўлади: ёрдам сўраб кимга мурожаат қилиш керак, хар ҳил вазитларда қандай харакат қилмок зарур, қаерда бўш вақтни ўтказса бўлади? Санкт-Петербургда ушбу саволларингизга жавоб қидиришда кўмаклашувчи ташкилотлар мавжуд, уларни баъзи бирлари келтириб ўтамиз:

Санкт-Петербург Далат муассасаси «Санкт-Петербург миллатлар уйи»

Бош директор:
Алла Дыдымова
Манзил:
191028, Санкт-Петербург, Моховая кўчаси., 15 уй, лит. А.
Тел.: +7(812) 579-00-09
Факс: +7(812) 579-42-14
E-mail: Domnac@yandex.ru
Сайт: www.spbdn.ru

Санкт-Петербургнинг маданият бўйича қўмитаси

Маданият бўйича қўмита Раиси:
Алексей Губанков
Манзил:
191186, Невский пр., 40
Тел.: 312-24-71
Факс: 710-55-15
Пресс-хизмат
Тел./факс 571-05-89
E-mail: press@kkult.gov.spb.ru
Сайт: www.spbculture.ru

Оилалар ва Болаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш маркази Санкт-Петербург муассасаси

Манзил:
Большая Проховская кўчаси, 22 уй.
Тел.: 227-46-60
Мухожирлар оилаларига ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўлими мудири:
Виктор Чернин
Тел.: 490-61-60

Новости

Санкт-Петербургдаги қувноқ Масленица

Санкт-Петербургнинг 300-йиллиги боғида «Кенг Масленица» (кишни кузатиш байрами) муносабати билан байрамона ҳалқ сайли бўлиб ўтди. Юқори баландлиги 20 метрли қўғирчоқ - Масленица бош қаҳрамони ўрнатилди. Одатдагидек, қўғирчоқни кўпчиликлашиб оловда ёқиб, олов шоуси ва салют ташкил қилинди. Байрам меҳмонлари учун кўп сонли аттракцион ва концерт майдонлари ташкил этилди. Барча ҳоҳловчиларда, хар ҳил масалиқлардан тайёрланган блинлар мазасидан тотиб кўриш имконияти бўлди.

Бундан ташқари, бутун шаҳар бўйлаб байрам майдонлари ташкиллаштирилиб, у ерда одамларни қувноқ сайлларда ва хар хил конкурсларда иштирок этиши, мазали блинлар билан меҳмон бўлишлари учун ва албатта қўғирчоқни ёкишда иштирок этишлари учун, кенг имкониятлар яратиб берилди.

Маълумотнома: Масленица, ёки пишлоқли ҳафта - даврий халқ байрами бўлиб, Русияда қадимдан, христианлик вақтигача бўлган даврлардан сақланиб қолган. Ушбу анъанавий маросим қишни ўтиши ва баҳорни келишига боғлиқ ҳолда ўтказилади. Масленица номини олишига сабаб, бу даврда - буюк постдан кейинги якуний хафтада озиқ-овқатда сариёғ, сут ва балиқ маҳсулотларини истеъмол қилишга рухсат берилади. Православ черковларида эса, пишлоқли хафта мазмуни - яқинлар билан ярашиш, хафагарчиликларни кечириш, буюк пост маросимига тайёргарлик кўришдан иборат бўлиб - ушбу даврни яқинлар,қадрдонлар ва дўстлар билан меҳрибон муносабатлар ўрнатилиши ва хайрли ишларга бахш этилиши лозим. Масленица байрамининг бошланиши хар йили Буюк пост маросимига боғлиқ ҳолда, ўзгариб туради. Россияда Масленицани халқ ўртасида кенг нишонланишининг бош анъанавий жиҳатлари бу – блинлар ва сайл ҳисобланади.

Олимпиада-2014 тимсоллари танланди

Сочида ўтказиладиган Олимпиада ўйинлари учун расмий тимсол сифати Леопард, Оқ айиқ ва қуён танланди. Ғолиблар телефон қўнғироқлари ва СМС овоз бериш йўли орқали аниқланди. Дастлаб 20 мингдан ортиқ намуналар таклиф этилган эди. Олимпиада тимсоли сифатида, ғолиблардан ташқари, финал босқичида номзодлар рўйҳатига Қора айиқ, Қушча, Қуёш, Дельфин, Матрешка (қўғирчоқ) ва Қор боболар киритилган эди. Қорбобони Россияда янги йил тимсоли бўлганлиги учун рўйҳатдан чиқариб юбордилар. Натижада энг кўп овозларни Леопард тўплади. Айнан, у учун Владимир Путин ўз овозини берган. Дмитрий Медведева эса кўпроқ айиқ ва чанғидаги дельфин маъқул тушди.

Жуфт олимпиада ўйинларига тимсол сифатида, спортчиларни ўзлари томонидан танланган Нур ва Қор парчаси танланиб олинди.

Дастлаб, Олимпиада ўйинларининг тимсоли сифатида фақат бирлаштирилган беш узук белгиси ва олимпиада алангаси бўлган эди. «Олимпиада тимсоли» тушунчаси, 1972 йилнинг ёзида Ҳалқаро Олимпиада қўмитасининг 73-чи сессиясида тасдиқланган. Тимсол бўлиб, инсон, ҳайвонлар ёки афсонавий қаҳрамонлар, шунингдек, қабул қилаётган давлат маданиятини ва замонавий олимпиада харакатини англатувчи тимсоллар танланиши мумкин.

Ош ҳукумати ўбеклар ва қирғизлар ўртасидаги муносабатларни тиклашга харакат қилмоқда

2010 йилнинг 10-15 июнь кунлари Қирғизистоннинг жануби Ош ва Жалолободда содир бўлган махаллий ўзбеклар ва қирғизлар ўртасидаги миллатлараро можаролар окибатида 435 одам халок бўлди, 2,5 мингдан ортиқ одамлар хар ҳил турдаги тан жарохатини олдилар.

Шу муносабат билан, Қирғизистоннинг жанубий пойтахти мэри Мелисбек Мырзакматовнинг таъкидлашича, Ош хукумати янги миллатлараро можароларни келиб чиқмаслиги учун зарурий барча чораларни кўради.

2011 йил Ошда миллатлараро ризолик, тинчлик ва дўстлик йили деб эълон қилинди. Мелисбек Мырзакматовнинг таъкидлашича, бутун йил мобайнида, жанубий пойтахтда истиқомат қилувчи ўзбеклар, қирғизлар ва бошқа миллат вакиллари ўртасидаги дўстона муносабатларни қайта тиклаш ва мустахкамлаш бўйича кучайтирилган ишлар олиб борилади.

Шунингдек, Ош мэри Қирғизистонда январь ойидан буён кузатилаётган озиқ-овқатга нарх наволарни кўтарилаётганлигидан, халқ ўртасида норозиликлар келиб чиқишидан хавотирланмоқда. Шунинг учун, бир неча кун ичида озиқ-овқатларга нархни ушлаб туриш бўйича чоралар ўйлаб топиш тўғрисида мэр кўрсатмаси берилди.

Қирғизистон ЖК спикери А.Келдибеков Россия ФМХ бошлиғи билан РФ даги меҳнат мухожирлари ҳуқуқини химоя қилиш масалаларини мухокама қилди

Жогорки Кенгаш делегацияси Россияга расмий ташриф уюштирди. Қирғизистон ЖК спикери Ахматбек Келдибеков РФ Федерал миграцион Ҳизмати бошлиғи Константин Ромодановский билан учрашув ўтказди. Учрашувнинг бош мавзуси бўлиб, РФ да истиқомат килаётган Қирғизистонлик мехнат мухожирларни хуқуқларини химоя қилиш масаласи кўтарилди.

Россияда 580 мингдан ортиқ Қирғизистонликлар истиқомат қилиб, ишлаб келмоқдалар. Шулардан, атиги 17 минг фуқаро иш фаолиятига рухсатнома олганлар. Қолганлари бўлса, РФ худудида ноқонуний фаолият кўрсатиб келмоқда. А.Келдибековнинг таъкидлашича, ушбу холат уларни ижтимоий ахволини таъминлаш масалаларини мукаммалаштирмоқда. Ўз навбатида ФМҲ бошлиғи Константин Ромодановский маълум қилишича, ушбу босқичда Россия томони малакали кадрларга зарурият сезмоқда. Шу сабабли, иккала томонни хам фуқароларни иш фаолиятини қонунийлаштириш жараёнларини қисқартириш ва РФ худудида мехнат фаолиятини олиб бориш тартиби тўғрисида хабардор этишда қизиқишлари мавжуд. Бундан ташқари, Ромодановскийни хабар қилишича, Қирғизистонни тегишли вазирлиги билан шартнома имзолаш режалаштирилиб, ушбу шартнома доирасида малакали кадрларни тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

Эмомалӣ Раҳмон Намояндаи махсуси Иттиҳоди Аврупо оид ба Осиёи Марказӣ Пйер Морелро ба ҳузур пазируфт

Дар мулоқот масоили ҳамкории Точикистон бо Иттиҳоди Аврупо баррасӣ шуд. «Точикистон Иттиҳоди Аврупоро шарики муҳими байналмилалии худ дониста, ҳамеша кӯшиш ба харҳ медиҳад, ки бо он ҳамкории пойдору дарозмуддати мутақобилан судманд дошта бошад».

«Иттиҳоди Аврупо ба нақши Точикистон дар минтақаи Осиёи Марказӣ, хусусан дар робита ба баркарорсозии иқтисодиёт ва амнияту субот дар Афғонистон, баҳои баланд медиҳад», - изҳор дошт дар посух Пйер Морел.

Аз сатҳ ва мазмуни муносиботи рушдёбандаи Точикистону Иттиҳоди Аврупо ва робитаҳои мунтазам доир ба масоили гуногуни мутақобилан судманд изҳори қаноатмандӣ карда шуд. Доир ба ҳамкорӣ дар соҳаҳои амнияти минтақавӣ, аз чумла мубориза бо хатарҳои чаҳони муосир, тақвияти ҳифзи сарҳадот ва ҳамчунин чалби сармоя ба бахшҳои стратегии иқтисоди Точикистон, идоракунии захираҳои обу энергетика, ҳифзи муҳити зист, рафъи камбизоатӣ, рушди маорифу тандурустӣ, тавсиаи ислоҳоти демократӣ, таъмини волоияти қонун ва ҳифзи ҳуқуқу озодиҳои инсон гуфтугӯйи судманд сурат гирифт.

Манба: Jahonnamo

Таълимгоҳҳои Душанбе бо техникаҳои наворбардории сабти таъмин мешаванд

Дар таълимгоҳҳои пойтахти Точикистон техникаҳои наворбардории сахни даруна ва беруна ба накша гирифта гузошта шуда истодаанд.

Барои пеш гирифтани чиноятҳои ноболигон ва химояти таълимгирандагон дар таълимгоҳҳо. Котиби раиси шахри Душанбе Шавкат Саидов хабар дод, ки ба таълимгоҳо техникаҳои наворбардори аз хисоби хазинаи бучаи махали гузошта мешавад. Дар таълимгоҳҳои шахси бошад харочоти техникаи навар бордориро шахсони масъули таълимгоҳ ба худ гирифтаанд.

Бо карори раиси шахри Душанбе то 15 апрели соли равон хамаи таълимҳоҳо бо техникаи сабти бояд, ки таъмин карда шавад. Ба гайр аз техникаи сабти ба хамаи бозорҳо, маркази савдо, ва хонаои фарханг, чойхои мачъияти ва ба кучахои асосии шахр гузошта мешаванд.

Новости

Ўзбекистон худудига кириш ва транзит орқали ўтиш учун тўловлар кўтарилди

Ўзбекистон Хукумати томонидан Ўзбекистон худудига кириш ва транзит орқали ўтиш учун қўшимча тўлов қийматларини оширилиши тўғрисида Қарор қабул қилинди.

Энди тўловлар юк автомобил воситалари ва автобусларга, Тожикистон Республикаси учун 103 АҚШ долларини (аввал 90), бошқа чет эл давлатларига тегишли юк автомобиллари ва автобуслари учун тўловлар-230 АҚШ доллари (аввал 200) ташкил қилади.

Манба:Anons.uz

Ўзбекистон терма жамоаси ЖЧ-2014 саралаш турнири рейтингида ўнликка кирди

Осиё Футбол Конфедерацияси ЖЧ-2014 саралаш турнирининг кейинги босқичига чиққан терма жамоалар рейтингини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон терма жамоаси 45 та Осиё давлатлари орасида 9 чи ўринда чиқди.

Таъкидлаб ўтамиз, биринчи тоифадаги раундларга қуръа ташлаш, 2011 йил 30 мартда конфедерациянинг штаб-квартирасида бўлиб ўтади.

Рейтинг ЖАР да бўлиб ўтган жаҳон кубоги, шунингдек Осиё саралаш турнирларига асосланган. Иштирокчиларни якуний сони ФИФА томонидан тасдиқланади. Эслатиб ўтамиз, Бруней аввалгидек, ушбу ташкилотда ихтисосини йўқотган.

Манба: Anons.uz

Домодедово аэропортидаги қўпорувчилик ҳодисасидан сўнг Ўзбекистонда аэропорт ва метро қўриқланиши кучайтирилди

2011 йил 24 январда Москва аэропортида содир этилган қўпорувчилик ҳолатидан сўнг, Ўзбекистон Республикасидаги аэропортлар ва Тошкент метросини қўриклаш кучайтирилди.

Энди Тошкент аэропортидан учиб кетиш учун, аэропорт биносидан 30 метр узоқликда жойлашган, дастлабки текширувдан ўтиш, мажбурий қилиб қўйилди. Шунингдек, 2011 йил 10 февралдан хар бир йўловчилар ўзи билан хаво кемасига гугурт ёки ёндирувчи қурилмаларни олиб кириши таъқиқланади.

Бундай буюмларни фақатгина, хаво кемасини махсус хонасида, юклар билан биргаликда ўтказиш мумкин.

Санкт-Петербург билан танишув

900 қунлик қамал азоби

Шаҳар хаётидаги энг фожиали давр - Ленинград қамалидир (1941 йил 8 сентябрь-1944 йил 27 январь). Барча урушлар тарихида дунёнинг хеч қайси шаҳари, галаба учун Ленинградчалик хаётини қурбон қилмаган.

1941 йил 8 сентябрь – қамалнинг биринчи куни бўлиб, бунда шаҳар тўлиқ қуршовдан қуршаб олинган. Шу вақтда, ушбу дахшатли холатни 900 кун давом этишини хеч ким тасаввур хам қилмаган эди.

Германия хукумати шахарни бутунлай ер юзидан йўқотиб ташламоқчи бўлган. Хаттоки, Санкт-Петербург шаҳри ахолиси хаётини сақлаб қолиш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас эди. Бомбардимон ва артиллериядан ўққа тутиш бошланади. Қамал муддати мобайнида шахарга 150 минг снаряд ва ёндирувчи хамда фугас бомбалари ташланган. 5 миллиондан ортиқ квадрат майдон барбод килинади. Хар учинчи уй харобага айланади.

Лекин энг асосий фожиали имтихон бу очлик бўлди. Кунига фронтнинг олд чизикларидаги аскарларга 500 граммдан нон, ишчиларга- 250 граммдан, хизматчи ва боқув остидагилар хамда болаларга 125 граммдан нон тарқатилган. 1942 йил феврал ойининг якунига келиб, очлик ва совукдан 200 мингдан ортик киши халок бўлади.

1942 йил январь ойида Ленинграднинг барча қабристонлари ўликлар танаси билан тўлиб кетади. Шаҳар бошқармаси қарори билан оммавий дафн этиш бошланади, асосан катта бўш ётган ерларга, шахарнинг шимолий қисмидаги, «Пискаревка» темир йўл бекати атрофидаги бўш жойларга дафн килинадилар. Дафн хар куни ўтказилиб, кунига 3 мингдан 10 мингача ўликлар дафн этилади. Катта қабр траншеялар кавланиб, ўликлар ушбу қабрларга дафн этилган.

Лекин, шахар хеч нарсага қарамасдан курашиб яшаган. Театр ва музейлар фаолиятини тўхтатмаган. Қамалнинг барча вақти давомида ленинград радиоси жим турмай, у ерда шоирлар ва ёзувчилар ўз чиқишларини амалга ошириб турганлар.

1943 йилнинг 12 январида қамал бузилиши бошланади. «Ладожской» ороли қирғоқларида катновлар йўлга қўйилиб, темир ва автомобиль йўллари барпо этилди. Қамал вақти тугатилди . 1944 йилнинг 27 январида совет қўшинлари немис мудофаасини ёриб ўтадилар. Немислар чекина бошлайди.

1945 йил 1 майда Олий Бош қўмондоннинг буйруғи билан Ленинград шаҳри, шаҳар ахолисининг қамал даврида кўрсатган қахрамонлиги ва жасорати учун қахрамон - шаҳар номи берилади. 1965 йил 8 майдаги СССР Олий Иттифоқи Президиуми Қарори билан қахрамон шаҳар – Ленинград, Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медали билан тақдирланади.

Агарда Россияга келган бўлсангиз, ишга рухсатномани қандай олиш лозим?

Ишга рухсатнома олиш учун СПб ва ЛВ бўйича Федерал Миграцон Хизматига хужжатларни топшириш лозим.

Бу қандай бажарилади?

Шахсан ўзингиз топширишингиз мумкин;

Белгиланган тартибда, РФ да чет эл фуқароларини ишга жойлаштирувчи ташкилотлар орқали;

РФ қонунларига мувофиқ сизнинг вакилингиз хужжатларни топшириш хуқуқига эга.

ФМҲБ га қандай хужжатларни топшириш лозим?

1. Белгиланган шаклдаги бланкда, ишга рухсатнома берилиши тўғрисидаги ариза, унга рангли (матовой), 30х40 мм ўлчамдаги расм ёпиштирилган ҳолда (+ариза ксерокопияси). **Ариза Бланкини ФМҲБ дан қабул вақтида олишингиз (ёки сайтдан чикариб олишингиз мумкин.** (бўлимга қаранг). “Порядок оформления документов(Хужжатлар расмийлаштириш)” – “Разрешения на работу (ишга рухсатнома)” – “Бланки”).
Ариза қандай тўлдирилади?
Ариза (юз ва орқа қисми) рус тилида босма ҳарфлар билан тўлдирилади.
2. РФ да қабул қилинадиган, шахсингизни тасдиқловчи хужжат.
3. Россия федерациясига кирганлигингиз тўғрисидагиЧегара назорати белгиси қўйилган миграцион карта ёки мухожирлар бўйича ижро хокимиятининг, жойлардаги Федерал идорасининг, кўрсатиб ўтилган миграцион картани берганлиги тўғрисидаги белгиси қўйилган холдаги миграцион карта.
4. Ишни бажариш (хизмат кўрсатиш) га мехнат шартномаси ёки хуқуқий-фуқаролик шартномаси, Россия Федерацияси қонунларига мувофиқ тузилган ва расмийлаштирилган ҳолда (мавжуд булса). (№ 86-ФЗ сонли 19.05.2010 йилдаги Федерал қонунинг 4 б. киритилган)
5. 2 минг рубл миқдордаги давлат солиғини тўланганлиги тўғрисидаги квитанция. Ишга рухсатнома берилганлиги учун давлат солиғларини тўлашга реквизитлар СПб ва ЛВ бўйича ФМҲБ маълумотлар тахтасида ёки сайтида кўрсатилган. (“Хужжатларни тўлдириш наъмуналари” бўлимига қаранг)

Тегишли расмийлаштирилган хужжатлар тақдим этилган тақдирда аризани кўриб чиқиш муддати 10 иш кунини ташкил қилади.

Тайёр бўлган ишга рухсатномани чет эл фуқароси шахсан ўзи СПб ва ЛВ бўйича ФМҲБ дан олиши керак.

Тиббий хулоса ва ОИТС йўқлиги тугрисидаги сертификат ФМҲБ га ишга рухсатнома олинган кундан бошлаб 30 кундан кечиртирмасдан тақдим этилиши лозим.

Санкт-Петербург ва Ленинград вилоятларидаги тиббий хулоса беришга ваколатли тиббий муассасалар рўйхатини ФМҲБ даги маълумотлар тахтаси ёки сайтидан билишингиз мумкин.

Агарда кўрсатиб ўтилган муддатда тиббий хулоса тақдим этилмаса, ишга рухсатнома бекор қилинади.

ИШ БЕРУВЧИ алмаштирилганда, ЯНГИ ишга рухсатномани кандай олиш керак?

№ 86-ФЗ сонли Федерал қонунга мувофиқ: “Агарда чет эл фукароси ишга рухсатнома хакикийлиги муддати мобайнида, ишни бажариш (хизмат кўрсатиш) га мехнат шартномаси ёки хуқуқий-фуқаролик шартномаси тузган холатида, ушбу чет эл фуқароси етти иш куни ичида миграция доирасидаги Ижро хокимиятининг жойлардаги федерал идораларига ишга рухсатномадаги маълумотларга ўзгартиришларни киритиш учун мурожаат килиши зарур”.

Иш берувчи алмаштирилган холатида янги ишга рухсатнома олиш учун қуйидаги хужжатларни тақдим этилиши талаб қилинади:

1. Ариза;
2. Мехнат шартномасининг нусхаси (ишни бажаришга (хизмат курсатишга) хуқуқий-фуқаролик шартномаси), иш берувчи мухри билан тасдиқланган;
3. Хақиқий ишга рухсатнома (+ксерокопияси)

Ўзингизни ва яқинларингизни кераксиз муаммолардан бехатар килинг ва барчасини тўғри бажаринг!

Маълумотлар Санкт-Петербург ва Ленинград вилояти бўйича Федерал миграцион Хизмати Бошқармаси томонидан тақдим этилди.
Умумий қабул телефонлари: 273-22-46

Ўзбек Диаспораси тарғибот-машинаси ёрдамида «Умид» га таклиф қиладилар

«Умид» Ўзбек диаспораси туфайли 2011 йилнинг баҳоридан Санкт-Петербург кўчаларида тарғибот машиналари пайдо бўлади.

Бундай тадбирнинг асосий мақсади, нафақат диаспора аъзолигига чорлашдан иборат бўлиб колмасдан, балки мигрантларга маълумотлар бериш ҳам кўзда тутилган. Чунки, кўплаб Ўрта Осиёлик фуқаролар Санкт-Петербургда ноконуний яшаб келмоқдалар. Бундай ҳолатларга асосий сабаб бўлиб, қонуний рўйхатга қўйиш учун ёки бошқа керакли хужжатларни расмийлаштиришга пул бўлмаганлигидан, шунингдек, қонуний хужжатлаштириш тўғрисидаги билимларини етарли даражада эмаслигидан келиб чиқмокда. Шу сабали, диаспора вакиллари баланд овозда гапирувчи восита орқали қайси банкдан қандай қилиб кредит олиш мумкинлигини, хатто рўйхатга қўйилмаган шахслар хам, бундан ташқари қонунийлашиш ва ишга рухсатнома олиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар гапириб юрилади. Оғзаки хабардор килишдан ташқари, улар ўзларини ватандошларига фойдали маслаҳатлар ёзилган маълумот коғозчалари ва Ўрта Осиёликлар учун биринчи амалий «Турон» газетасини тарқатиб юрадилар. Тарғибот машиналарини Ўрта Осиё мамлакатларидан келган фуқаролар ишлаётган, катта қурилиш ишлари олиб борилаётган бинолар яқинида кўришингиз ва эшитишингиз мумкин бўлади.

Узбек диаспораси вакили Хайдаров Валишерни таъкидлаб ўтишича, ватандошларимиз, бу шаҳарда уларга ғамхўрлик килувчи ташкилотлар борлигини билишлари мухимдир.

Дастлабки зарурият телефонлари

Солиқ хизматлари	
Санкт-Петербург бўйича РФ Вазирлигининг солиқлар ва тўпламлар бўйича Бошқармаси	**272-01-88**
РФ солиқ полицияси Федерал хизмати, Санкт-Петербург бўйича Бошқармаси	**277-50-22**
Шахар ахборот-маълумотлар хизмати сутка мобайнида ва бепул (театрлар, кинотеатрлар репертуари, музейлар иш вақти, клублар, казино, ресторанлар бўйича маълумотлар)	**«062-Бўш вақт»**
сайёхлик компанияларининг хизматлари тўғрисида, мамлакатлар ва шаҳарларга саёхат тўғрисидаги маълумотлар)	**«062-Сайёхлик»**
(Банклар, молия ва суғурта компаниялари хизматлари, сутка мобайнида бепул пул алмаштириш хизматлари тўғрисидаги маълумотлар)	**«062-Пул»**
Савдо-сотиқ, буюмлар сифати ва истеъмолчилар хуқуқини химоя қилиш бўйича давлат инспекцияси	**113-14-06**
Юридик маълумотномалар	**065**
Аниқ вақт ва реклама хизмати	**060**
Ишга жойлашув бўйича шаҳар ахборот-маълумотлар хизмати	**056**
Маросимлар хизмати, ма ҳсуслаштирилган муассасалар бўйича маълумотлар	**277-53-05**
Шахардаги мавжуд дори – дармонлар ахборот хизмати	**325-09-00**
Авиа йўналишлар жадвали, Россия ва МДХ давлатларига авия чипталар нархлари т ўғрисидаги маълумотлар	**075**
ЙИХХБ Навбатчилик қисми	**234-90-21**
Метрополитен маълумотномаси	**301-97-00**
Автобекат	**166-57-77**
Темир йўл, қатновлар тўғрисидаги маълумотлар	**055**
Пулково, телефонлар тўғрисида маълумотлар хизмати	**104-36-11**
«Пулково-1» Аэропорти, ички хаво йўллар	**104-38-22**
«Пулково-2» Аэропорти, халқаро хаво йўллар	**104-34-44**
«Ржевка» Аэропорти	**527-52-08**
Денгиз бекати, диспетчер	**322-60-52**
Дарё бекати, навбатчи	**262-02-39**
Топилмалар столи	
Пулково	**1-123-83-61**
Пулково	**2-324-37-87**
Суд	
Санкт-Петербург ва Ленинград вилоятининг Хакамлик суди, маълумотлар хизмати	**274-51-00**
Шаҳар суди, фуқаролик ишлари бўйича девонхона	**279-55-80**
Жиноят ишлари бўйича девонхона	**273-19-92**
Транспорт: Чипталар буюртмаси	
Авиа чипталар(авиакомпаниялар нархларига кўра) 10.00 дан 20.00 гача етказиб берилиши мумкин	
Ички йўналишлар	**327-33-35**
Халқаро йўналишлар	**327-33-36**
Сайёхлик агентлари хизмати	**327-33-39**
Темир йўл чипталарини етказиб бериш билан 09.00дан 12.00 гача, шб., як. дан ташқари	**277-55-11**
Темир йўл чипталари	**201**
Шошилинч гиёхвандликка қарши ва рухий ёрдам хизмати	
Гиёхвандликка қарши ва рухий ёрдам сутка давомида	**350-77-86**
Ишонч телефонлари	**476-71-04**
Ўсмирлар ва болалар учун ишонч телефонлари	**108-40-41**
Гиёхвандлик ва алкоголизм масалалари бўйича шаҳар гиёхвандлик диспансерининг ишонч телефонлари	**235-14-70**

Ҳурматли ватандошлар!

«Умид» Ўзбек диаспораси бошқа Ўрта Осиё мамлакатлари халқлари диаспоралари билан хамкорликда «Наврўз» миллий байрамига барчани таклиф қилади. Байрам оқшоми 2011 йил 21 мартда соат 17.00 да «Москва» ресторанида бўлиб ўтади.

Манзил: «Москва» меҳмонхонаси, Александр Невский майдони, 2 уй.

Маълумотлар учун телефон: 321-50-37

14 марта 2011 года в Петербурге открыли первый в новейшей истории города доходный дом

Дом построен для тех, кто приехал работать в жилищно-коммунальном и городском хозяйстве Санкт-Петербурга из регионов России, а также для трудовых мигрантов из стран ближнего зарубежья.

Адрес дома – Лиговский проспект, д. №146.

На открытии доходного дома присутствовала губернатор Санкт-Петербурга Валентина Матвиенко. Не так давно этот дом еще входил в число аварийных. Но был проведен капитальный ремонт. И на сегодняшний день в нем уже проживают люди.

Кроме того на открытии доходного дома было организовано распространение первой практической газеты для выходцев из Средней Азии «Туран». Валентина Матвиенко обратила внимание на газету и взяла себе один экземпляр. Что очень порадовало нашу редакцию.

Источник: Официальный портал Администрации Санкт-Петербурга

Вниманию предпринимателей!

Мы предлагаем вам разместить рекламную информацию о вашей продукции или услугах в бесплатной газете «Туран». Целевая аудитория нашей газеты – выходцы из Средней Азии. Объем газеты – 16-20 полос, периодичность – 1-2 раза в месяц, тираж - 999 экземпляров.

В будущем планируется увеличение объема, периодичности и тиража газеты.

По вопросам размещения рекламы обращаться по тел.:

(812) 313-25-02,

или по адресу: пр. Обуховской обороны, 116, корп.1, офис 500, бизнес-центр «Троицкое поле».

E-mail: TuranGazeta@yandex.ru

Сизнинг сўзлашгичингиз / Ваш разговорник

Сонлар / Числа

1- Бир ----------Один
2- Икки ----------Два
3- Уч ----------Три
4- Тўрт ----------Четыре
5- Беш ----------Пять
6- Олти ----------Шесть
7- Етти ----------Семь
8- Саккиз ----------Восемь
9- Тўққиз ----------Девять
10- Ўн ----------Десять
11- Ўн бир ---------- Одиннадцать
12- Ўн икки ----------Двенадцать
20- Йигирма ----------Двадцать
30- Ўттиз ----------Тридцать
40- Қирқ ----------Сорок
50- Эллик ----------Пятьдесят
60- Олтмиш ----------Шестьдесят
70- Етмиш ----------Семьдесят
80- Саксон ----------Восемьдесят
90- Тўксон ----------Девяносто

Вакт курсатилиши / Указание времени

Хозир вақт неча? ----------Сколько сейчас времени?
Ярим кун ----------Полдень
Ярим ту ---------- Полночь
Хозир кундузги бир ---------- Сейчас час дня
Хозир кундузги икки ---------- Сейчас 2 часа дня
Хозир соат 3:30 дақиқа ----------Сейчас 3 часа 30 минут
Хозир соат 5:45 дақиқа ----------Сейчас 5 часов 45 минут
Хозир соат 7:30 дақиқа ----------Сейчас 7 часов 3 минуты
Эрталаб----------Утро
Кун (12.00 дан кейин) ---------- День (после 12.00)
Оқшом ----------Вечер
Тун ----------Ночь
Бугун ----------Сегодня
Эртага ----------Завтра
Кеча ---------- Вчера
Хозир ----------Сейчас
Кейинроқ ---------- Позже
Хозироқ ----------Прямо сейчас

Деньги /Пул

Россия рубли ----------Российские рубли
Банк ----------Банк
Банк қаерда жойлашган? ---------- Где находится банк?
Мен пулимни алмаштирмоқчи эдим ----------Я бы хотел поменять деньги
Алмаштирув курси қанча? ----------Какой курс обмена?
Мен майда пул билан ҳоҳлагандим ----------Я бы хотел мелкими купюрами
Пулларни алмаштириб беролмайсизми? ----------Не могли бы вы разменять деньги

«Турон», Урта Осиёликлар учун биринчи амалий газета
Муассис: Белоусов И.Н.
Бош мухаррир: Маматмуминов Махмуд
Чоп этувчи мухаррир: Ташкина Анастасия
Дизайнер-харф терувчи: Евгений Петров
Рус тилидан ўзбек тилига таржимон: Тоштемиров Элёр
Тахририят манзили: 192012, проспект Обуховской обороны, 116 уй, корпус 1, офис 500, бизнес-центр «Троицкое поле», «Пролетарская» метро бекати.
Телефон: (812) 313-25-02.
E-mail: TuranGazeta@yandex.ru
Газета тиражи: 999 нусхада.
Отпечатано в типографии "Издательский Дом Сатори" ООО, 198097, Санкт-Петербург, пр. Стачекд.47
ЦИЦ ц.710. Заказ №_____